



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10372469>

### Жўрабоев Икромжон Абдуллахон ўғли

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

### АННОТАЦИЯ

“Сўфий” ва “тасаввуф” сўзларининг луғавий маънолари ҳақида турли хил фикрлар айтилганидек, уларнинг истилоҳий маъноси борасида ҳам турли қарашлар бор. “Қавоидут тасаввуф” китобида зикр қилинишича, машҳур тасаввуф шайхи Аҳмад Зарруқ (р.а.) икки мингга яқин таърифни келтирган. Уларнинг ҳаммаси “Аллоҳ таолога содик таважҷух” қилиш маъносидадир.<sup>12</sup> Чунки таважҷухнинг кўринишлари кўпdir.

### АННОТАЦИЯ

Точно так же, как существуют разные мнения о лексическом значении слов «суфий» и «мистика», существуют и разные мнения об их терминологическом значении. В книге «Кавоидут Тасаввуф» упоминается, что знаменитый суфийский шейх Ахмед Зарруқ (ра) дал около двух тысяч определений. Все они означают «верную преданность Аллаху». Потому что есть много проявлений таваджуха.

### ANNOTATION

Just as there are different opinions about the lexical meanings of the words "Sufi" and "mysticism", there are also different opinions about their terminological meaning. It is mentioned in the book "Qavoidut Tasawuf" that the famous Sufi shaykh Ahmed Zarruq (r.a.) gave about two thousand definitions. All of them mean "faithful devotion to Allah." Because there are many manifestations of таважҷух.

### Калим сўзлар

Сўфий, тасаввуф, Нишопур, Кубровия, Хурросон, Мавлавия,

### Илк тасаввуф мактаблари

Шарқ тасаввуфи тарихида бир қанча мактаблар ва тариқатлар бўлган. Куйида уларнинг моҳиятини қисқача баён қилишга ҳаракат қиласиз:

<sup>12</sup> Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. - Тошкент: “Шарқ”, 2012. – Б 31.



**Муҳосибия.** Ушбу тариқат асосчиси Ҳорис ибн Асъад Муҳосибийдир. У ризога эътиқод қўйганди. Ризо аслида мақом маъносини англатиб, икки хил булади: бири Аллоҳнинг инсонлардан ризолиги булса, иккинчиси инсонларнинг Аллоҳдан ризолигидир. Аллоҳнинг инсонлардан ризолигининг маъноси шуки, одамлар ҳамиша Аллоҳга муҳаббат йулида яхши амални бажаришга интилсин. Инсонларнинг Аллоҳдан ризолиги бўлса, уларнинг Аллоҳга таслим бўлиш ва унга итоат қилишидир. Шунинг учун ҳам инсон ризоси билан Аллоҳнинг ризолиги орасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шу сабабли ризо сабр ва бардош асосига қурилган илоҳий муҳаббатдир. Бу муҳаббат соҳиби ҳаётдаги оғирлик ва енгиллиқни, хушлик ва ноҳушликни илоҳий бир жилва деб қабул қиласида ва шу сабабли турмушдаги барча қийинчиликларни бамайлихотир қабул қиласида ва ўтказади. Ризо зуҳд ёки нафс инкоридан устун туради. Зероки ризонинг сарчашмаси Худога ишқдир. Муҳосибий тасаввуфда ризони ҳол ва мақом билан чамбарчас боғлик, деб изоҳлайди.

Муҳосибий, шунингдек, ўз-ўзини, нафсини назорат қилиш, ўз-узига ҳисоб беришни соликнинг муҳим фазилати деб билган.<sup>13</sup>

**Маломатия.** Бу тариқатнинг пайдо бўлиши тарихи ислом вужудга келган илк даврлар билан боғлик. Унинг маркази Нишопур шаҳри ҳисобланади. Бу таълимотга дастлаб буюк машойихлардан Абу Ҳафс Нишопурӣ, Ҳамдун Қассор, Абу Үсмон Ҳирийлар асос солишган. Шу боисдан ўша даврларда бу тариқатни «ҳамдуния» ёки «қассория» тариқат деб аташ ҳам одат тусига кирган.

Мазкур тариқат асосчиларининг бош назариясига кўра ҳар бир суфий ўз фазилатлари ва одамларга қилган яхшиликларини пинҳон тутмоғи, ўзини айбдор ва гунохкордек кўрсатиб юрмоғи даркор. Токи кишилар улардан бирон нуқсон ёки ғалат қидирсинг. Яъни ҳар бир маломатий ўзининг олий хислати ва элга қилган хизматидан худбинлик ва ғууррга берилмаслиги лозим.<sup>14</sup>

Уларнинг ақидасича, Аллоҳ кишининг барча яхшиликларини кўриб туради. Шунинг учун бу сифатлар ўзгаларнинг назарига тушиши, ёки бўлмаса ҳалққа кўз-кўз қилиниши шарт эмас. Маломатийлар мӯъминларнинг ўзаро адоватда бўлиши, мазҳаб талашиб, низо пайдо қилишига қарши эдилар. Шунинг учун ҳалқ улардан айб қидириб, камситиб, «маломат» қилсалар ҳам, бу тоифа вакиллари ҳеч ким билан муноқашага боришимас, «маломат қилувчи»лардан асло қўрқмас ва ранжимас эдилар.<sup>15</sup>

<sup>13</sup> Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ”, 2009. Б – 6-7

<sup>14</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2009. Б - 39

<sup>15</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2009. Б - 45



Улар ибодатни банда билан Ҳақни боғлаб турадиган ришта, деб билишган. Шунинг учун улар қанчалик маломатга қолсанг, шунча ғуур ва фирибдан йироқ бўласан, деган ақидага суюнишган. Маломатий ички туйғуларни ташқарига чиқазишмас, зухд, риёзат ва кароматни изхор этмоқни жоҳиллик, риё, деб билишган.

Аксарият тадқиқотчилар маломатийларни энг инсондўст, адолатпеша, маърифатпарвар, Ҳаққа яқин ахл, деб таърифлашган.

**Тайфурия.** Шарқда энг кўп тарқалган сўфиёна таълимотлардан бири тайфуриядир. Унинг асосчиси ўнлаб машойихларнинг устози, метинdek ирода соҳиби, буюк шайх, «Султонул-Орифин» Боязид Бистомийдир. Боязид Бистомийнинг ўқиши йиллари ҳақидаги фикрлар ҳар хил: баъзилар у бирон бир мактаб ёки устоз қулида таҳсил кўрмаган, барча илмлар унга Аллоҳ томонидан инъом этилган дейишса, бир гурух шарқшунослар «Боязид уч юз донишманддан дарс олган», дейишади. Шундай бўлсада Нишопур, Рай, Ҳамадон, Ироқ, Шом ва Арабистонга сафар қилган. Аҳмад Ҳазравия, Абуҳафз, Яҳб Маоз, Шақиқи Бадхий сингари донишмандлар билан яқин алоқада бўлган. Уларнинг сұхбатларидан файз топган. У 867 - йили 103 ешда ўз ватанида оламдан ўтган. Бу таълимотнинг асосини сукр, яни кўпроқ ҳалқдан узоклашиб, хилвату узлатда, гўшанишинликда фаолият кўрсатиш ташкил қиласди. Демак, тайфурия тарафдорлари узлатга чекиниб, зикр тушиб, ҳақ ёди билан яшашни тарғиб этганлар. Мазкур таълимот моҳият эътибори билан жунайдия оқими назариясига зиддир. Боязид Бистомийнинг ақидасича, сукр (мастлик) хушёрлик (саҳв)дан устундир. Зероки сукрда инсонийлик сифати кўтарилиб, илоҳийлик ғалаба қиласди, яни нафс фаносига Ҳаққа яқинлашади. Аммо аксарият тасаввуф донишмандлари, жумладан, Захириддин Муръаш бу таълимотга танқидий нуқтаи назардан ёндошган.<sup>16</sup>

**Жунайдия.** Бу тариқатнинг асосчиси машҳур шайх Жунайд Бағдодийдир. Жунайдия тасаввуфда сукр (мастлик) ҳолатидан саҳв (хушёрлик) ни устун кўйиб, хушёрлик табиий ҳолат, мастлик эса ғайритабиий руҳий ҳолатдир, деб таъкидлаган. Бу тариқат тарафдорлари ислом ақидаларига яқин, мўътадил жул тутганлари учун олимлар Жунайд Бағдодийни суғизмда мўътадиллик таълимотининг байроқдори, деб атапшади. Абу Наср Сарроҷ, Абу Али Даққоқ, Абулқосим Қаширий каби машҳур машойихлар жунайдия тариқатининг тарафдорларидандир. Кейинги асрлардаги исломий аҳкомлардан узоклашишни истамаган қодирия,

<sup>16</sup> Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ”, 2009. Б - 7



нақшбандия сингари бир қатор тариқатлар намоёндаларига ҳам жунайдия таълимоти талаблари қўл келган.

**Нурия мактаби.** Шарқда анча кенг тарқалган ва фаол сўфиистик мактаб ёки тариқатлардан бири Нурия мактабидир. Унинг асосчиси Хуросонлик шайх Ҳусайн Аҳмад Нурийдир. Бу тариқат тарафдорларининг ақидасича ҳар бир ориф фақат ўзгаларнинг манфаати ва осойишталигини ўйлаб ҳаёт кечирмоғи зарур. Зероки бошқаларнинг ҳимоясини деб, уларга хизмат қилиб, факирона яшашга ружуъ қилмоқ инсонни кибру ҳаводан асрайди, нафсни чегаралаш имкониятини яратади.

**Қодирия тариқати.** Ушбу тариқатга машҳур шайх Абдулқодир Жилоний (Ғавсул Аъзам, Қутбул Аъзам) асос солган. Мусулмон Шарқида машҳур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси Ҳожа Абдулхолик Ғиждувоний 1103 йили Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган.<sup>17</sup> Қодирия таълимотининг асосини қалбий риёзат ташкил этади. Бу таълимотнинг кўп жиҳатлари шофеъия ва ҳанбалия мазҳаблари дунёқарашига яқин. Абдулқодир Жилоний ҳанбалия суннийларидан бўлиб, «Шайхи Машриқ» номи билан ҳам шухрат топган. Уларнинг қарашлари билан шиалар назарияси ўртасида жиддий зиддият мавжуд эди. Шунинг учун Қодириялар Сафавийлар даврида Бағдодга ҳижрат қиласидилар. Улар ҳамиша яшил либос кийиб юришган, яъни бу тариқат рамзи яшил ранг бўлган. Қодирия тарафдорлари, Мовароуннаҳр, Туркистон, Эронда кўп учраган.

**Суҳравардия.** Ушбу тариқатнинг асосчиси Шаҳобиддин Абухафс Умар Суҳравардийдир. Унинг асосини ибодат, зуҳд ва муҳоҳадат, умуман, ирфоний маърифат ташкил этади. Суҳравардия силсиласининг Ҳиндистонда Баҳоуддин Закариё Мўлтоний ривожлантириди. Ҳозир ҳам Покистон, Ҳиндистон ва Афғонистонда суҳравардия таълимотининг давомчилари бор.<sup>18</sup>

**Мавлавия.** Шарқда анча машҳур ва кенг тарқалган мавлавия тариқатининг муассиси Жалолиддин Муҳаммад Балхий (Румий)дир. Унинг асосини осмоний жисмларнинг рамзи бўлмиш раксу самоъ ташкил қиласиди. Мавлавийлар устозлари атрофида мусиқа жўрлигида завқ-шавқ билан гир айланиб ракс тушиб, қўшиқ айтадилар, зикр тушадилар. Шунинг учун уларни «тавоғ этувчи» – «чарҳ уриб айланувчи» дарвешлар дейишган. Улар шиддатли ҳаракат ва ракс жараёнида ўзидан кетишни Ҳаққа етиш они, деб билишган. Мавлавия асосан Усмонли Туркиясида равнақ топган. Улар чўкка

<sup>17</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2009. Б - 45

<sup>18</sup> Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ”, 2009. Б - 8



қалпоқ кийиб юришга одатланишган. Ҳозир ҳам Туркияning Куне шаҳридаги Мавлавиј мақбарасидан күй таралиб туради.<sup>19</sup>

**Кубровия.** Бу тариқат Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, унга шайх Нажмиддин Кубро Хоразмий асос солган. Тўлиқ исмлари Аҳмад ибн Умар ибн Мухаммад Ҳевакий Хоразмий бўлиб, 1145 йилда Хивада таваллуд топган.<sup>20</sup> Мазкур таълимот негизини ҳуфя зикр ташкил қиласди. Улар Қуръонни ҳуфя ўқиб ўрганиш тарафдори эдилар. Кубровиялар бошқа тасаввуф тариқатларида бўлганидек, узлатда, гўшанишинлиқда бўлишни, таркидунёчиликни тарғиб қилгандар. Улар Ўрта Осиё халқлари маънавий-ижтимоий-сиёсий хаётида сезиларли рол ўйнаган. Мажидиддин Бағдодий, Саъдуддин Ҳамавий, Бобо Камоли Чандий, Сайфиддин Боҳарзий, Нажмиддин Розийлар машҳур кубровия шайхларидан ҳисобланадилар. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакким, Кубровия тарафдорлари жавонмардликни ўзларининг муҳим фазилатларидан бири деб билишган.

Хожа Абдулхолик Фиждувоний тасаввуф оламида машҳур кўплаб шогирдлар тарбиялаб етиштирган. Унинг вафотидан кейин хожагон тариқати Хожа Ориф Ревгариј (Моҳитобон), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Хожа Саййид Мир Кулол Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ўз замонасининг донгдор шайхлари томонидан давом эттирилган ва кенг шуҳрат қозонган.

Абдулхолик Фиждувоний ўз таълимотини ваъзлари орқали тарғиб қилиш билан кифояланмай, бир қатор рисолалар ҳам ёзган. “Одоби тариқат” (Тариқат одоби), “Рисолаи соҳибия” (Дўстлик рисоласи), “Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Фиждувоний” (Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг баъзи сўзлари), “Рисолаи шайх уш-шуюҳ Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний” (Шайхлар шайхи Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний рисоласи) асарлари шулар жумласидандир.

**Шозилия тариқати.** Ушбу тариқат Абул Ҳасан аш-Шозилий раҳматуллоҳи алайхига нисбат берилади. У киши узлатни ва маҳрумлик хаётини ўзларига эп кўрмаганлар. Одамларга аралашиб, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаганлар.

**Рифоъия тариқати.** Бу тариқат асосчиси Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ар-Рифоъий раҳматуллоҳи алайҳи Ироқда хижрий 512-санада таваллуд топганлар. Аввал Шофеъий мазҳаби бўйича фикҳни ўрганганлар. Кейин тоғаларидан тасаввуф бўйича таълим олганлар ва у кишининг ўрнига тариқат шайхи бўлганлар.<sup>21</sup>

<sup>19</sup> Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ”, 2009. Б – 8

<sup>20</sup> Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуфий хаёт. – Тошкент. “Мовароуннаҳр”, 2004. Б - 3

<sup>21</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳакида тасаввур. - Тошкент: “Шарқ”, 2012. – Б 8



**Нақшбандия тариқати.** Мұхаммад ибн Мұхаммад Баҳоуддин Бухорий раҳматуллоҳи алайхига нисбат берилған ушбу тариқат сулукдаги мұйтадиллиги, шариатта әргашиш, сокинлиги билан ажралиб туради. У зот ҳижрий 717 санада Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келгандар. Шайх Саммосий ва Амир Кулол раҳматуллоҳи алайхимодан руҳий тарбия олғанлар.<sup>22</sup>

Шайх Абдуллоҳ Дәхлавий Нақшбандия тариқати ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бу тариқат Ҳаққ таолонинг ҳузурида доимий ҳозирликдир, Ислом ақидасини, Ахли сунна вал жамоа ақидасини мустаҳкамлашдир ва Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг суннатларига әргашишдир”.<sup>23</sup>

Бу тариқат бутун ислом оламида, хусусан, диёримизда тарқалған тариқатларнинг энг машхур, энг кенг тарқалғани бўлганини ҳисобга олиб, бу ҳақда малакавий ишимизнинг тўртинчи фаслида батафсил тўхталамиз.

Бундан ташқари ўтмишда Машриқ заминининг турли минтақа ва шаҳарларида «Шотирия», «Аҳорория», «Ҳакимия», «Ҳаррозия», «Ҳафиғия», «Сайёрия», «Рофеъия», «Ҳайдария», «Шозилия», «Неъматуллоҳия», «Нурбахшия» сингари турли тасаввуф мактаб ва тариқатлари фаолият кўрсатиб, ирфоний маърифат инкишофига у ёки бу даражада улуш қўшган. Жумладан, XIX асрда Эронда пайдо бўлган «Неъматуллоҳия» тариқатининг пайрав ҳамда давомчилари мамлакатда ҳозир ҳам мавжуд.<sup>24</sup>

## ХУЛОСА

Тасаввуф ислом дини заминида ва исломий ҳақиқатлар бағрида вужудга келган. Тасаввуф асрлар оша кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият, тафаккур, маърифат ва одоб-аҳлоққа чорлаб, инсониятни мукаммал шахс бўлиб шаклланишида ўз ҳиссасини қўшган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек тасаввуфий қарашлар яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиб, инсон ҳаётининг ажralmas бир қисми бўлишида Мовароуннаҳр ва Хурсоңдан етишиб чиққан шайхлар ва улар ёзиб қолдирган бебаҳо асарларнинг ўзига хос ўрни бор.

Бугунги кунда тасаввуф таълимотининг тарихий шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш, тасаввуф адабиётини холисона ўрганиш баробарида унинг бугунги глобаллашув шароитида инсонлар ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат тасаввуф таълимотининг тўғри талқини бир жиҳатдан турли мутаассиб экстремистик ғояларга қарши

<sup>22</sup> Йўлдош эшбек. Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. “Насаф” нашриёти, 2010. - 6 б

<sup>23</sup> Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Тошкент, Мовароуннаҳр. 2004.

<sup>24</sup> Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Масъул мухаррир: Комилов Н. – Тошкент: “Шарқ”. – 2004. Б - 11



туришга хизмат қилса, унинг нотўғри талқини турли тариқатчилик харакатларига асос яратиб беради.

Тасаввуфнинг асл ғоялари акс этган асарларни тадқиқ этиш ва юзага чиқариш исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Зеро, ҳозирда тасаввуф таълимотининг нохолис талқини юртдошларимиз орасида «тариқатчилик» иллатининг ёйилишига дастак бўлмоқда. Ўзбекистон ҳудудидаги замонавий тариқатлар гарчи маънавий қадрият, анъана ва маросимлар ҳамда миллий маданиятга содикликни намойиш этса-да, аввалги қиёфасидан бирмунча фарқланади. Бу тариқат пешволари ҳақида баъзилар ижобий, баъзилар салбий фикрларни айтган бўлсалар-да, биз улар ҳақида яқдил фикр айтишга ожизмиз. Уларнинг юртимиз мусулмонларига қилган хизматлари ҳақида гапирсак чўзилиб кетади. Бу зотларни қўриб мулоқот қилган олим инсонлар уларнинг илм ва тақвода юксак даражаларга эришганлари ҳақида эътироф этадилар. Зеро, Аллоҳнинг дўстлари ҳар ерда бор ва улар ҳақида тухмат, ёлғон, гумон сўзларни айтиш Аллоҳга уруш эълон қилиш билан баробар.

Шу нуқтаи назардан, тариқат пешволари айтмаган гапларни ҳам айтди, деб уларнинг обрўларини ерга урганлари етмагандай, соф сунний тасаввуфдан оғаётган айрим шахслар илм-маърифат, таълим-тарбия, ҳалқпарварлик, ижтимоий фойдали иш билан шуғулланиш масалаларида асл тасаввуф мақсад ва ғояларидан узоклашиб кетганлигини эътироф этишимиз, фуқароларни бу каби адашган тариқатлардан эҳтиёт қилишимиз лозим. Бугунги кундаги барча йирик ислом арбоблари ва сунний тариқат пешволари замонавий илм-фанни ўрганишга, мусулмонларнинг жамият учун манфаатли, одамларнинг оғирини енгил қиласиган билимларни эгаллашларига тарғиб қиласиганлар. Ушбу фаолият Қуръон ва суннат курсатмаларига тўлиқ мос келади. Айрим тариқат вакиллари ижтимоий фойдали меҳнат ёки бирор касб билан шуғулланмай, бошқаларга қарам ва муте бўлиб қолаётгани, жамиятдан ажralгани етмагандек, ўз оиласи, фарзандларини бокувсиз, тарбиясиз қолдираётгани ачинарли ҳол.

Ушбу бажарилган малакавий битириув ишининг хулосаси ва баҳсимизнинг натижаси сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Исломда тасаввуф таълимотларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кенг маълумотлар тўпланди ва чуқур ўрганилди;
- Исломнинг кейинги даврларида вужудга келган тариқатлар ҳақида маълумотлар жамланди ва ўртасидаги фарқлар қисқача ёритилди;
- Тасаввуф тариқатларида силсила тушунчаси ва унинг тасаввуфдаги аҳамияти чуқур ўрганилди;



- Нақшбандия тариқати силсиласида келтирилган шайхлар ҳаёти кенг ўрганилди ва ушбу тариқатнинг ҳозирги аҳволи борасида изланишлар олиб борилди.

Умуман олганда, ушбу илмий иш кичик бир изланиш бўлса-да, келгусида тасаввуф таълимоти ватанимизнинг маданий тараққиётини муҳим омили эканлигини назарда тутиб, давлат томонидан бу соҳани ўрганишга моддий маблагни қўпайтириш, хориж сармоядорларини, мамлакатимиз тадбиркорларини жалб этиш мақсадга мувофик деб биламиз.

Ҳозирги ғоявий тажовузлар кучайган бир пайтда, мавжуд иллатларга қарши ғоявий кураш воситаларидан бири бу тасаввуфий ғояларни, буюк мутасавифлар ҳаёти ва мероси, уларнинг эзгулик, адолат, ўзликни англаш ва ватанпарварлик тӯғрисидаги дунёвий фикрларини ўрганиш мафкуравий иммунитет вазифасини ўтайди, деган фикрдамиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. - Т.: Мовароуннахр , 2004.
2. Ислом энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2004.
3. Йўлдошхўжаев. Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. - Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
4. Комилов Н. Тасаввуф ва бадиий ижод. // Ёшлиқ. - Тошкент. 1991.
5. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. - Тошкент: Ёзувчи, 1996.
6. Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: Мовароуннахр, 2009.
7. Маҳмуд Асьад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. - Тошкент. Мовароуннахр, 2006.
8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт: Зухд ва рақоиқлар. 36-жуз. - Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2012.
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зухд ва ҳаё. - Тошкент: "Хилол нашр", 2015.
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. - Т.: Мовароуннахр, 2004.
11. Ўткир Ҳасанбоев. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. - Тошкент ислом университети, 2014.



- 
12. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Масъул мухаррир: Комилов Н. - Тошкент: "Шарқ". - 2004.
  13. Абу Абдуррахмон Сулламий. "Тобақотус суфийя". Al-mostafa.com, 2009.
  14. Абул Мұхсин Мұхаммад Бокир ибн Мұхаммад Али. Мақомати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд. -Т.: Ёзувчи, 1993.